



**АТОҚЛИ ОТЛАРНИНГ ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРДА  
ФУНКЦИОНАЛ–СЕМАНТИК ТАҲЛИЛИ  
(лингво-методик таҳлил)**

**Г.Х. Обруева**  
СамДЧТИ ўқитувчиси

**Калит сўзлар:** атоқли от, турдош от, лингвистика, идентификация, маъно, компонент, фразеологик бирлик, фактор, функция.

Ономастика муаммоларига бағишланган кенг кўламли адабиёт мавжудлигига қарамасдан, тадқиқотчилар томонидан ханузгача атоқли отга (АО) хос ягона концепция ишлаб чиқилмаган. Олимларнинг АО моҳияти ва маъноси масаласидаги қарашлари кўп ҳолларда тамоман қарама–қарши ҳамда ўзаро инкор қилинади.

Аксарият тилшунослар АОларни луғат бойлигининг четки, «қўшимча» қисми деб ҳисоблашади. Улар АО ва турдош отлар (апеллятивлар) орасидаги фарқ АОнинг маънога эга эмаслигида деб билган. АО умумий маъноси асосида эмас, балки, индивидуал шартли белгилар асосида тавсифланади, яъни уларнинг асосий функцияси сифатида «нихоятда ягона бирлик»ни ифодалаш, идентификациялаш кўзда тутилади.

АОнинг функционал ва тилга оид ўзига хослиги тилнинг барча сатҳларида, жумладан, фразеологияда ҳам унинг семантик табиати намоён бўлиши хусусиятларини кўриб чиқиш заруриятини белгилайди.

Тилшунослик тараққиётининг замонавий босқичида АО мавқеи масаласининг ечилмаганлиги олимларни АОни тавсифлаш мезонларини унинг тил ва нутқнинг турли сатҳлардаги аксини тадқиқ этишдан, жумладан, АО функцияларининг фразеологизмлар таркибидаги таҳлилидан излашга ундайди.

Сўзнинг фразеологик моҳияти, яъни унинг фразеологик бирлик (ФБ) таркибида амал қилиши худди шу сўзнинг фразеологизмдан ташқи мавжудлигидан фарқ қилади. Бироқ олимларнинг сўз - ФБ компонентида қарашлари кўпинча қарама-қарши бўлиб чиқади: айримлар уни тўла

маъноли лексема деб ҳисобласа, бошқалари унинг семантикасини кескин инкор қилишади. Шунга кўра, атоқли отдек мураккаб тилга оид белгининг ФБ таркибида амал қилишининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиб чиқиш долзарбдир. Бундай таҳлил атоқли отнинг семантик трансформациясини очиб беришгагина эмас, балки, сўз - ФБ компонентининг табиати ҳақидаги масала ечимига ҳам кўмаклашиши мумкин.

Турдош отларга (ТО) хос лексик маънонинг муҳим белгилари йиғиндиси унинг мантикий ўзаги - тушунчаси бўлган турли предметлар синфи билан боғлиқлигига кўра белгиланади.

Атоқли оларнинг (АО) тилга оид вазифаси тамомила бошқа. У объектни индивидуаллаштиришда ўзига ўхшаганлар қаторидан ажратилиши лозим. АО сигнификатив ўзига хослиги яқка денотатлар мавжудлиги ва индивидуаллаштириш жараёни билан боғлиқдир.

Турдош отлар тил лексик–семантик системасининг фаол элементлари ҳисобланади. Уларнинг маъновий мазмуни ва ўзига хос кўрсаткичлари уларнинг семантик чегараларини аниқ белгилайдиган полисемия, синонимия, антонимия сингари парадигматик категориялар билан белгиланади.

Маълум туркум ичида АОнинг функционал айнанлиги ҳамда индивидуал қўлланувда денотат билан узвий алоқаси уларни ўзаро семантик гуруҳларга бирлашиш имкониятидан маҳрум қилади ва лексиканинг бошқа қатламлари билан ўзаро муносабатга тўсиқ бўлади. Ушбу омиллар АО тизимли алоқасини кескин чегаралаб, уларнинг мавжудлигини



алоҳида, ёпиқ гуруҳ сифатида белгилаб берди. Бу маънода АОларни ҳар қандай тил лексик системасининг пассив, алоҳида ажралиб қолган, синонимик гуруҳлар ташкил қилолмайдиган ва омонимлар, антонимик қарама–қаршиликлар йўқлиги ҳамда кўп маънолилик билан ажралиб турувчи аъзолар деб эътироф этмоқ лозим.

Якка денотатлар номи сифатидаги АО ва уларга структур–адекват ҳисобланган АО ФБ тушунча ҳажми ва мазмуни билан фарқланади. Масалан, “*Mark Tapley*” АО бир шахсга мос хусусиятлар мажмуини ўзида мужассам этса, “*a Mark Tapley*” эса ФБ денотатларининг чекланмаган миқдорига фақат бир хусусият (“ҳаётдан мамнунлик”) предикатлаш қобилиятига эга. Бинобарин, миқдор бу ерда сифатга ўтмоқда.

ФБ таркибидаги АОнинг “апеллятив” хусусияти унинг ҳам парадигматик, ҳам синтагматик сифатлари билан белгиланади. Шу билан бирга, ҳали кўп нарсани аниқлаш ва бунинг учун икки йирик лингвистик масалани ҳал этиш зарур бўлади: 1) АОли ФБлар структур – семантик турларини тавсифлаш ва 2) АОли ФБларда семантик долзарблашувнинг релевант жиҳатдан ўзига хослигини очиб бериш.

Атоқли отларнинг фразеологик нуқтаи назардан турдош отларга айланиш жараёни, унда ономастик компонентнинг ФБ таркибида қўлланилишига хос функционал семантик хусусиятлар куйидагилардан келиб чиққан ҳолда ёритиб берилади: 1) ФБ таркибидаги АОнинг сифат жиҳатидан ўзгариш механизмининг ўрганилиши; 2) бу жараёнга кўмак берувчи омилларни аниқлаш; 3) маъно ўзгариш усулларини тизимлаш.

ФБ таркибида АОнинг семантик жиҳатдан ўзгариш йўллари хилма-хилдир. Маъно ўзгариши усулини аниқлашда аввало, ФБ генезиси хусусиятини ҳисобга олиш зарур. АО компонентли ФБлар генетик нуқтаи назардан маълум (йўқотилган ёки мавжуд) денотатга бориб тақалади ва биз уларни детерминлашган ФБлар деб атаймиз. Улар қаторига *the real*

*Simon Pure* - “ҳақиқий, асл нимадир” (С.Сентливр (S.Centlivre, 1667-1723) персонажи (A Bold Stroke for a Wife) исмига кўра) иборасини қўшиш мумкин.

Мазкур структура типи *Dutch* [“голландча”] маънони англатади. Ушбу салбий маънони англатувчи ФБ англо-голланд қарама–қаршилиги пайтига тўғри келади [XVII аср]: *Dutch courage* [“ичган пайтда мардлик”], *Dutch concert* [“итлар концерти”], *Dutch comfort* (ёки *consolation*) [“юпанч”], *Dutch bargain* [“бир томонлама фойда”] ва бошқалар. Сифатнинг архаик маъноси мавжудлиги ушбу номларнинг ички шаклланишининг йўқолишига олиб келадиган ономафразеологик бирликни келтириб чиқади. Бошқача айтганда ФБ маънолари ва уларнинг АО қисмларининг сўзма-сўз мазмуни билан алоқа узилади. Ўз вақтида бу қайта англаш учун экстралингвистик омиллар талқин қилинади (яъни объектив воқелик билан). У тилда амалга оширадиган фикрлашни акс эттирди.

Илк денотат йўқлигини намоён қилган фразеологизмларни биз индетерминланган ФБлар деб атаймиз. Прототипларига эга бўлмаган АО компонентли куйидаги иборалар бунга мисол бўлади: *tin Lizzie* – “арзон машина”, *big John* – “янги аскар”.

ФБ таркибидаги атоқли отлар сифатий жиҳатдан бошқа компонентларнинг структур тузилиши билан боғлиқдир. Атоқли отлар индивидуаллаштириш, идентификациялаш меъёрий хусусиятларини йўқотиб, баъзида бир қатор предметлар шартли белгисига, баъзида эса баҳолашга оид тавсиф воситасига айланади. Масалан, куйидаги ономафразеологизмлар *Land's End* [“Лендс-Энд” (Буюк Британия жануби-ғарбининг чекка қисми, “ернинг тугаган қисми”]; *Solomon's wisdom* [“Соломон донишмандлиги”]; *Caesar's wife* [“Цезарь рафиқаси”, “шубҳа остида бўлмаган шахс”]; *weary Willie* [“довдир”]; *a Paul Pry* [“бошқалар ишига бурун сукувчи шахс”] ва бошқалар.

Замонавий инглиз тили таркибида атоқли отга эга бўлган ФБда а)АО турдош



отга яқинлашган сайин унинг сифати ўзгаради ва яқка, конкрет, хусусийдан мавҳумлашиб, умумий тушунчани ифодалаш хусусиятига эга бўлиши эркин кўлланишдан фарқли ўлароқ, АО сифати ўзгаришига таъсир қилади. Эркин кўлланилишда АО яхлит маъно умумийлигидан иборат мазмуний структурага эга бўлиб, бир вақтнинг ўзида ҳам умумий, ҳам яқка тушунчани ифодаловчи сифатида келади; б) ФБ таркибида АО маъно ўзгариши усулини

аниқлаш учун генезис катта аҳамиятга эгадир.

АО мураккаблиги ва “кўп қиёфашилиги” ФБ таркибида унинг функциялари ранг–баранглигини белгилайди. Агар экстралингвистик функциялар АОни унинг денотат билан алоқаси нуқтаи назаридан тавсифласа, интралингвистик функциялар атокли отнинг бошқа томонларини фонографик қиёфаси ўзига хослиги, конкретлик, индивидуаллик, доимий экспрессив имкониятларини акс эттиради.

### Адабиётлар

1. Бушуй Т.А. Язык в историко-культурном ракурсе // Вестник Казахского университета международных отношений и мировых языков имени Абылай хана. Серия “Филология”.-Алматы, 2009. - №1. – С.9-14.
2. Dunkling L.A. First names first. –London: Dent, 2007. – P. 120-121; Willems K.Eigenname und Bedeutung. Ein Beitrag zur Theorie des ‘homen proprium’.-Heidelberg: C. Winter, 2006. –S.88-89.
3. Aitchison J. Words in the Mind: An Introduction in the Mental Lexicon. – Oxford; New York: Basil Blackwell, 1994.- 290 p.
4. Толстой Н.И. Ещё раз о «семантике» имени собственного // Актуальные проблемы лексикологии. – Минск: БГУ, 1970. – С. 201-204.

*Обруева Г. Функциально - семантический анализ фразеологических единиц с именами собственными (лингво - методический анализ). Данная статья посвящается исследованию фразеологических единиц с именами собственными. В статье также подробно описываются некоторые фразеологические единицы с семантическим обозначениями и компонентами более того, приводятся много примеров по различным контекстам.*

*Obryeva G. Functional-semantic analysis of phraseological units with proper names (lingual-methodic analysis). The article is devoted to the investigation of phraseological units with proper nouns. Moreover the article describes some phraseological units with semantic characteristics and component. A lot of examples are given on various contexts.*